



ТАБРИКНОМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

**Вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмоновнинг Андижон шаҳарида янги қурилган Марказий
деҳқон бозорининг очилишига бағишланган
тантанада сўзлаган
Н У Т Қ И**

**Ассалому алайкум азиз ҳамюртлар!
Ҳурматли меҳмонлар!**

Муҳтарам Президентимиз етакчилигида ўтган йигирма беш йил давомида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида бошланган бунёдкорлик ишлари янги бир тўлқин билан, юксак кўтаринкилик, буюк келажакка тўлиқ ишонч билан давом эттириляётган бир даврда шундай тантанада Сизлар билан учрашиб турганимдан бахтиёрман.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқа даврда Ўзбекистон барча соҳаларда барқарор ривожланиб борапти. Буни дунёдаги энг ривожланган давлатлар вакиллари ҳамда халқаро экспертлар эътироф этаётгани бежиз эмас. Барча вилоятлардаги каби Андижонда амалга ошириляётган яратувчилик, бунёдкорлик ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Халқимизнинг ризқ-рўзини яратаётган қишлоқ хўжалиги ходимларининг бу йилги ютуқлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Давлатга пилла, ғалла ва пахта топшириш режаларимиз республикада биринчи бўлиб ортиғи билан уддаланди.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори натижасида Андижон шаҳридаги Бобур ОАЖ ўрнида 9 та янги корхона очилляпти. Бунга 217 миллиард сўм ёки 82 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри

ҳорижий инвестиция жалб қилинди. Мазкур корхоналарда ёшларимиз учун 3200 та янги иш ўринлари яратилади.

Уларнинг бири “Лемон интернешнл” корхонаси бўлиб, унда ҳозирги кунда 120 нафар ишчилар ўз малакаларини оширяптилар.

Булоқбоши туманида 140 миллион АҚШ доллари миқдорига ҳорижий инвестиция эвазига 1100 киши ишлайдиган цемент заводи қуриляпти. 2016 йилнинг иккинчи ярмида бу завод ҳам ишга тушади.

Кўпчилигингиз ҳабардорсиз - аэропорт олдидаги темир йўл устидан ўтган кўприкнинг иккинчи қисми қуриб битказилди ва кўприк икки баравар кенгайтирилди.

Навоий шоҳкўчасида яна 5 та, вилоят халқ таълими бошқармаси рўпарасида янги бокс маркази ва 4 та кўп қаватли уй қуриляпти. Ахлатхонага айланган Бўстон даҳасида, 80 метрли кўча ва умуман Андижон шаҳрининг яқин 25 та кўчасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари катта ҳажмда олиб бориляпти.

Бу йил вилоятда 145 та иншоот қурилиши режалаштирилган бўлса, шундан 65 таси ижтимоий соҳа, 84 таси ичимли сув объектларидир. Бу соҳадаги ишларимиз ниҳоясига етди. 125 километр ичимли сув тизими қурилди, 70 километр ички йўллар асфальтланди.

Энг муҳими, кейинги икки йилда вилоятдаги жами кўп қаватли уйларни таъмирлаш, томини қайтадан мустаҳкам қилиб ёпишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Андижон шаҳарининг ўзида 716 та кўп қаватли уйлардан 250 тага яқинининг томи тўла янгидан ёпилди. Бунда банк кредитлари ажратилиб, хонадон эгалари унинг қайтарилишида бевосита иштирок этяпти.

Демак, энди давлат таъмирлаб беришини кутмай, одамларимиз ширкат орқали ўзаро уюшиб ўзларининг турар жойларини қошага айлантиряпти. Бу соҳада банклар ва ташкилотларга, ўзлигини англаган халқимизга раҳмат.

Муҳтарам Юртбошимизнинг топшириғига асосан ҳурматли Бош вазиримиз шу йил ёзда Андижонга келганларида мана шу кўчани кенгайтириш ва ўрнида Мустақиллик шохкўчасини барпо этиш, бозорни қайта қуриш, шу ҳудудда чет эллик сайёҳлар оқиб келадиган Андижоннинг регистонини яратиш, кўп қаватли уйлар, гузарлар қуриш ҳақида айтган эди.

Мана, Сиз азизларнинг, вилоятимиз тадбиркорлари, фермерлари, қурувчилари, йўлчиларининг бевосита ёрдамида Мустақиллик шохкўчасининг дастлабки 750 метрли қисми қурилди.

Йўлнинг ўнг томонидаги эски бузилаётган фабрика ўрнида вилоят ЭкСПО ва тадбиркорлар маркази барпо этилади, Ёшлар маркази, музейлар комплекси яратилади. Шохкўча қурилиши келгусида то айланма ҳаракатгача давом этади.

Бугун бевосита солиқ ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар, вилоят ташкилотлари, бозорлар ходимларининг катта ёрдами билан қисқа муддатда қуриб битказилган янги Марказий деҳқон бозорининг очилишига тўпланганмиз.

Аввало Сизларнинг иштирокингизда ушбу замонавий бозорнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга мос ҳолда қурилишида қатнашган, ҳисса қўшган барча ҳомийларга, Тоҳиржон Ҳомидов бошлиқ қурувчиларга, барча солиқ ходимларига, тадбиркор ва фермерларга шахсан ўз номидан ва барча андижонликлар номидан миннатдорчилик билдираман.

Сотувчиларга ҳам ҳаридорларга ҳам етарли шароит яратиш мақсадида бозор майдони деярли бир гектарга кенгайтирилди. Барча қурилишлар учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ҳаммаси, азиз ҳамюртлар, Сизлар учун, Сизларга сифатли, юксак маданий хизмат кўрсатиш учун қурилди.

Бозор бу халқимизнинг юзи. Четдан келган ҳар бир инсон бозордаги ҳолат: нарх-наво, озодалиқ, ҳалоллик, очик чеҳра, меҳр-оқибат, тартиб, муомала ва хизмат маданиятига қараб халқимизга баҳо беради. Шундан келиб чиқиб ҳаммамиз

масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлашимиз талаб этилади.

Юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларимизда омад доимо ёр бўлсин.

Эътиборингиз учун раҳмат.